



СУД ТЕРГОВИ ЖАРАЁНИДА ИСБОТЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ.

Юсупджанова Гулноза Илхомовна,
ТДЮУ Ихтисослаштирилган филиали
“Хуқуқбузарликлар профилактикаси
ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш”
кафедраси ўқитувчиси.

E.mail: gyusupdjanova@mail.ru

Тел.: 909858732, 999984456

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7149090>

ARTICLE INFO

Received: 30th September 2022

Accepted: 03rd October 2022

Online: 05th October 2022

KEY WORDS

суд тергови, суд муҳокамаси,
далиллар, исботлаш, суд
ҳукми.

ABSTRACT

Одил судлов суд муҳокамаси йўли билан бир-бирини тўлдириб, алмаштириб турувчи, босқичма-босқич амалга ошириладиган суд ҳаракатларидан иборат. Жиноят процессуал фаолиятнинг ниҳоятда муҳим, суд муҳокамасининг сермашаққат, ишни мазмунан ҳал қилиниши учун асос, пойдевор бўлиб суд тергови босқичи ҳисобланади. Суд муҳокамаси шундай тузилган ки, суд тергови унинг ҳал қилувчи қисмидир. Айнан шу босқичда тўпланган барча далиллар суд томонидан бевосита текширилади ва чиқариладиган ҳукм учун замин яратилади.

Суд терговининг мазмуни кўрилатган ишни адолатли, қонуний ва асосли ҳал этиш мақсадида содир этилган жиноятнинг шарт шароитларини ҳамда далилларни томонлар ва процесснинг бошқа қатнашчиларининг фаол иштирокида бевосита ва оғзаки усулда текширишдан иборат.

Суд терговини дастлабки тергов ҳаракатлари давомида йиғилган маълумотларни, ҳужжатларни текшириш босқичи деб ҳисоблаш нотўғридир. Чунки бу босқичда кўрилатган иш ҳолатлари ва ҳар бир далил суд томонидан дастлабки тергов шароитларидан фарқли равишда янги процессуал шароитда, томонлар иштирокида, мустақил ва ижодий равишда, ҳар томонлама ва батафсил текшириб чиқилади.

Суд терговининг процессуал мақсади судда кўриб чиқиш учун тақдим қилинган дастлабки тергов материалларининг ўрганиб чиқиш эмас, балки суд муҳокамаси иштирокчилари ҳамда бевосита суднинг ўзини ташаббуси билан тўпланган ва тақдим қилинган далилларни ҳам текшириб чиқиб, реал ҳақиқатни аниқлаш имкониятини яратишдан иборатдир[1].

Исботлаш - жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилишнинг асоси бўлган, иш ҳолатларини аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича амалга ошириладиган, қонун билан тартибга солинган фаолият тушунилади. Исботлаш тушунчаси жиноят процессида икки маънога эга: 1) иш ҳолатларини аниқлаш, суриштириш ва текшириш бўйича билиш фаолиятини амалга



ошириш (исботлай билиш); ва 2) муайян фикр тезисини мантиқан асослаш (исботлаш асослаш)[2].

Исботлашнинг биринчи маъносида суриштирув, тергов, прокурор ва суд органларининг процесснинг бошқа иштирокчилари кўмагида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат бўлган, қонун билан тартибга солинган фаолият тушунилади, бошқача қилиб айтганда – ўрганилаётган ҳодисанинг ҳолатларини, шароитларини билишни англатади[3].

Суд шак шубҳасиз мунозарасиз процессуал исботлашнинг иштирокчисидир. У далиллар асосида жиноят процессида исботланиши зарур бўлган ҳолатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, шунингдек, жиноят иши учун аҳамиятли бошқа ҳолатларни ҳам аниқлайди. Исботлашда суднинг иштироки махсус ва тортишув жараёнида ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради[4].

Жиноят процессуал қонунчилигига мувофиқ суд суриштирувчи, терговчи ва прокурор билан тенг равишда, ЖПКда кўзда тутилган тергов ва бошқа иш юритувлар йўли билан далилни йиғишга ваколатлидир, шунингдек далилларни бошқалари билан солиштириш орқали текшириш, уларнинг манбаларини аниқлаш, текширилаётган далилларни тасдиқловчи ёки рад этувчи бошқа далилларни олиш, далилларни – йўл қўйишлик, тегишлилик, ишончлилик нуқтаи назаридан баҳолашга ҳақли.

Дастлабки тергов босқичидаёқ суд маълум даражада далилларни йиғишда иштирок эта бошлайди. Бу фаолият терговчининг шахсининг

конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқлашга доир тергов ҳаракатларини олиб бориш тўғрисидаги илтимосномани ҳал қилишда, шунингдек, бундай тергов ҳаракатларининг олдиндан суд рухсатномасини олмасдан ўтказилган тақдирда уларнинг қонунийлиги масаласини кўриш ва ҳал қилишда намоён бўлади. Мазкур ваколатларни амалга ошириб суд терговчининг далилларни излаш, йиғиш ва тўплашга қаратилган муайян фаолиятига санкция беради.

Суд муҳокамаси босқичида далилларни йиғиш уларни аниқлаш ва қайд қилишда намоён бўлади. Судлар томонидан далилларни аниқлаш қуйидагича амалга оширилади :

1. тарафлар тақдим этган, ҳамда тўпланган далилларни текшириш жараёнида бевосита янги ҳолатларни очилиши натижасида;
2. янги далилларни аниқлаш мақсадида бевосита суд тергов ҳаракатларини амалга ошириш орқали.

Суд далилларни тўплашни икки усулда амалга оширади:

1. ёзма талабномалар орқали далилларни олиш;
2. суд мажлисида процессуал тергов ҳаракатларини амалга оширишда уларни бевосита олиш.

Далилларни текширишда судья, аввало, уларни ўз ички ишончига асосланиб баҳолайди. Бундай текшириш сўроқ қилинаётган шахсларнинг кўрсатмаларини эшитишда, ишнинг ёзма ҳужжатларини текширишда, ашёлар, предметлар ва ҳужжатларни визуал кўриқдан ўтказишда, ҳамда ҳар бир далилни дастлабки баҳолашда кечади. Далилларни баҳолашда судья



эркин бўлиб, фақат тарафларнинг фикрига таянмаган ҳолда ҳар бир далилни мустақил таҳлил қилиб, далилларнинг сифат ҳолати ҳақида мустақил хулосалар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 455 моддасида акс этган суд ҳукмларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлаш нуқтаи назаридан суд томонидан далилларни тўғри баҳолаш муҳим ва зарур ҳисобланади. ЎЗР ЖПКнинг 463 моддасига мувофиқ айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва судланаётган шахснинг жиноят содир этилишида айбдорлиги суд муҳокамаси давомида исботланган тақдирда айблов ҳукми чиқарилиши мумкин.

Муайян далилларнинг йўл қўйилишини аниқлашда суд тарафларнинг нуқтаи назаридан мустақил равишда мавжуд маълумотларни уларсиз қабул қилиб олиш, шахсий баҳолаш асосида ҳал қилиш имкониятига эга. Ушбу ҳуқуқ бир вақтнинг ўзида суднинг мажбурияти ҳамдир. Суднинг исбот қилиш фаолиятидаги энг муҳим ўрни далиллар мажмуининг якуний баҳоланишида намоён бўлади. Суднинг бош вазифаси бўлмиш жиноят ишини ҳал қилиш айнан шунинг моҳиятига асосланган. Бундай баҳолаш суднинг иш бўйича чиқарган якуний қарорида ўз аксини топади.

Судьянинг суд муҳокамаси тугагунга қадар ва суд олдида қўйилган масала ҳал этилгунга қадар ўзининг оралиқ қарорларида ва исботланиши керак бўлган ҳолатлар юзасидан оғзаки мулоҳазаларида уларнинг исботланганлигини таъкидлаш, исботлашнинг якунловчи босқичида

амалга оширилиши керак бўлган далилларни баҳолаш вазифасини аввалдан ҳал этилишининг таъқиқланиши суд амалиётида умум тан олинган қоидадир. Ушбу таъқиқ суд томонидан ишни кўришда холислик ва беғаразликка риоя қилиш ва ҳар қандай баҳсли масалани барча тақдим этилган далилларни ҳар томонлама ва тўлиқ текшириш, ишнинг барча ҳолатларини аниқлашга риоя қилиш талабларидан келиб чиқади.

Далилларни текшириш суднинг апелляция ва кассация босқичларида ҳам алоҳида ўринга эга. Апелляция тартибида иш юритиш қонунга мувофиқ биринчи инстанция судида бўлгани каби суд муҳокамаси қоидалари бўйича суд тергови олиб боришни кўзда тутади, ушбу босқичда ҳам далиллар текширилиши зарур, хусусан, жабрланувчини, гувоҳни қайта сўроқ қилиш, иш бўйича янги гувоҳларни сўроқ қилиш, суд экспертизасини ўтказиш, ашёвий далилларни ва ҳужжатларни талаб қилиб олишдан иборат.

Далилий ашёлар ва ҳужжатлар суд мажлисида иш бўйича бошқа далиллар қаторида чуқур текширилиши (шунингдек кўздан кечирилиши, эълон қилиниши) лозим. Шу ўринда уларни таниб олиш учун кўрсатилган шахслар судларнинг эътиборини уларни текшириш билан боғлиқ бўлган у ёки бошқа ҳолатларга қаратишлари мумкин. Далилий ашёларни кўздан кечириш ва ҳужжатларни эълон қилиш билан боғлиқ суднинг барча ҳаракатлари суд мажлиси баённомасида акс эттирилган бўлиши керак[5].

Суд ҳимоя ва айблов томонларидан фарқли ўлароқ, ишни узил кесил ҳал



қилувчи субъект сифатида иш юритуви жараёнида илгари суриладиган ҳуқуқий хусусиятга эга мулоҳаза, фикрларни исботлаш мажбуриятини олмайди. Тортишувга асосланган жиноят процессида ўз нуқтаи назарини асослаш, суд олдида ўзининг ҳақлигини исботлаш билан тарафлар фақат шуғулланади. Суд тарафлар келтирган далилларни бевосита текширади ва баҳолайди.

Суднинг исботлаш субъекти сифатидаги яна бир аҳамиятли тавсифи унинг суд юритуви босқичида исботлаш жараёни устидан раҳбарликни амалга ошириши ҳисобланади.

Суднинг жиноят процессидаги умумий раҳбарлик роли, процессуал исботлашга раҳбарлик қилишида ўз аксини топади. У процесснинг бошқа иштирокчилари орасида бошқарувчи, марказий ўринни эгаллайди. Бундай бошқарув икки йўналишда амалга оширилади: биринчиси, исботлаш жараёнини ташкил этиш ва иккинчиси, унинг устидан назорат. Исботлаш жараёнини ташкил этиш таъминловчи фаолият бўлиб, у қонунда назарда тутилган процессуал шаклларга амал қилган ҳолда исботлаш вазифасини самарали амалга ошириш учун зарур шарт шароитларни яратишга йўналтирилган. Мазкур фаолият, энг аввало, тарафларга исботлаш жараёнида фаол ва тўлақонли иштирок этиш имкониятини беради.

Исботлаш жараёни устидан назорат унинг натижаларини баҳолашда, шу билан бирга исботлаш жараёни ўрнатилган меъёрий норматив тартибларга бошқа субъектларнинг риоя этишини текширишда намоён бўлади. Далилларни йиғиш ва ўрганишнинг қонун билан белгиланган

қоида ва шартларни бузилишидан огоҳлантириш ҳамда уларни бартараф этишни ҳам шулар жумласига киритиш мумкин. Суд мажлисида бундай назорат ўз ваколатлари доирасида суд иш юритуви жумладан, суд тергов ҳаракатлари, шунингдек, у ёки бу далилларни тааллуқлилиги бўйича суд қарорларини чиқариш бўйича қонуний жараёнларга риоя этилишини таъминлашга масъул бўлган раислик қилувчи томонидан амалга оширилади. Аниқланган факт ва ҳолатлар бўйича жиноят процессуал исботлаш чораларини судьялар ўз ички ишончлари асосида амалга ошириб, у ёки бу фактни исботлашни назорат қилиб туради ҳамда якуний ҳулосалар чиқаради ва улар асосида суднинг хато ҳулосалар чиқаришининг олди олинади ҳамда субъектив адашишнинг норматив қоидаларига кўчишини, яъни бунда суд тақдим қилинган далилларни исботлаш жараёнида ўрнатилган қонуний тартибда йиғилган далилларга ички ишонч ҳосил қилмоғи зарур, яъни холис асоси бўлиши талаб этилади. Исботлаш жараёнида суд олдида қуйидаги вазифалар қўйилади:

адолатли ҳокимият ваколатлари ёрдамида – тарафларнинг тортишувли исботлашнинг барча процессуал шакллари қўллашларини ташкиллаштириш ва таъминлаш;

исботлаш жараёнида тарафларга уларнинг манфаатларини суд орқали ҳимоялашнинг ҳуқуқий воситаларидан фаол равишда фойдаланишга қаратилган тегишли шароитлар яратиш;

тарафларга исботланаётган маълумотларни тўлиқ ва ҳар томонлама



исботлашлари учун керакли ёрдам кўрсатиш;

мавжуд далилларни исботлашда синчиклаб текшириш йўли билан ҳамда чиқарилган айбловни асосли эканлигини мажбурий равишда баҳолаши, жиноий ишни ҳал этишда тегишли фактик ва юридик кўрсатмаларни тузиш лозим.

Суд ушбу вазифаларни бажариб, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ўз ҳиссасини қўшади.

Қонун судьяларга судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларни шахсан сўроқ

қилиш, экспертларнинг хулосаларини эшитиш, ашёвий далилларни кўздан кечириш, баённома ва бошқа ҳужжатларни эълон қилиб, ўқиб эшиттириш мажбуриятини юклайди. Бунда судья имкон қадар биринчи манбалардан фойдаланади, яъни шахсан гувоҳни сўроқ қилади, ҳужжатларнинг асл нусхалари бўйича уларнинг мазмуни билан танишади. Суд фақат суд мажлисида текширилган ва ўз тасдиғини топган далилларга асосланиб ҳукм чиқаради.

References:

1. Жиноят процесси (махсус қисм). Дарслик. З.Ф.Иноғомжонова умумий таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2003. 188 б.
2. Ларин А.М., Мельникова Э.Б., Савицкий В.М. Уголовный процесс России: лекции-очерки. М., 1997.С.98; Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. Т.1.С.298-299.
3. Ларин А.М., Мельникова Э.Б., Савицкий В.М. Уголовный процесс России: лекции-очерки. М., 1997; “Уголовно-процессуальное право РФ” / отв.ред. П.А.Лупинская. С.242.
4. Шейфер С.А. Доказательства и доказывание по уголовным делам: проблемы теории и регулирования. М.2008.С.31.
5. ЎзР Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами 1991 2000. “Билим” нашриёти.2000. Б.76.
6. Юсупджанова, Г. 2021. Функции суда в системе уголовно-процессуальных отношений. Общество и инновации. 2, 11/S (дек. 2021), 155–165. DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss11/S-pp155-165>.